

Ўртачирчиқ туманидаги мактаб билан ҳамкорлик

Институтнинг "Қишлоқ хўжалигини механизациялаш" факультети ва Тошкент вилояти Ўртачирчиқ тумани Халқ таълими бўлими тасарруфидаги 64-умумий ўрта таълим мактаби жамоалари ўртасидаги ҳамкорлик доирасида феврал ойида "Тракторлар ва автомобиллар" кафедраси ўқитувчиларини мактабга ташрифлари амалга оширилди. 2021 йил 23 феврал кунги ташрифда доцент Нуритов И. кафедра фаолияти ҳақида мактаб жамоасига батафсил маълумот берди ва икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳақида ўзаро фикрлар билдиришди.



Катта ўқитувчи Усмонов К. ўқувчиларга Физика фанидан Идеал газ қонунлари мавзусида дарс машғулоти ўтиб берди. Ассистент Худайқулов Р. ўқувчилар билан тракторлар ва автомобиллар пайдо бўлиши билан боғлиқ ва бошқа қизиқ маълумотлар ҳақида ўртоқлашди. Шунингдек, кафедра ўқитувчилари ўқувчилар гуруҳи билан давра сухбати ўтказиб, давра сухбати давомида ўқувчиларнинг келажакдаги орзулари ҳақида сухбатлашишди, ўқувчилар ўз қизиқишлиари ҳамда келажакда мактабни тамомлаб қайси ўқув юртларига ҳужжат топширишлари ҳақида сўзлаб беришди, давра сухбати савол - жавобга бой тарзда ўтди. Сухбат охирида кафедра томонидан мактаб кутубхонаси фондига бадиий адабиётлар совға қилинди.

ТИҚҲММИ матбуот хизмати